O'ZLIDEP

XXI asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

27-aprel 2023-yil 17 (1015) www.21asr.uz @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi xxi_asr@mail.ru asr_xabarlari_news

**КОНСТИТУЦИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ, БИЗНИКИ! КОНСТИТУЦИЯ ЎЗИМИЗНИКИ!**

# ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК АРАФАСИДА

## O'zLiDePНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



**КУНИ КЕЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Видеоконференция шаклида бўлиб ўтган тадбирда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумида партия иштирокининг айни босқичдаги устувор вазифалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда партия раҳбари Актам Хаитов алоҳида тўхталди.



— Янгиланаётган Асосий қонунимиздан ўрин олаётган бир қанча янгилик ва қўшимчалар партиямиз электорати бўлган тадбиркорлар, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракати вакиллари манфаатларига, хусусан, хусусий мулкнинг ҳимоя қилинишини кучайтириш, мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади. Ишонч билан, дадил айта оламизки, Конституциянинг янги таҳрири бошқа кўплаб ижобий ўзгаришлар қатори янгича иқтисодий тафаккур шаклланган жамият барпо этилишига ҳам кенг йўл очади, – деди А. Хаитов.

Дарҳақиқат, мамлакат Конституциясини такомиллаштириш ташаббускорларидан бири бўлган O'zLiDeP мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим тарихий жараёнга жиддий эътибор қаратмоқда. Референдум арафасида сиёсий кучнинг бир миллион уч юз мингга яқин аъзоси ва тарафдорлари, 2 300 дан зиёд депутати чин маънода халқимиз орзу-умидларини ўзида акс эттираётган конституцион қоидаларни тарғиб этиш бўйича кенг қамровли тадбирларда фаол иштирок этди.

Шу маънода умумхалқ муҳокамасига қўйилаётган Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида кенг ташвиқот қилиш билан боғлиқ тизимли ишлар самарали тарзда уюштирилди. Масалан, аввал республика, 14 та ҳудудий ҳамда 208 та туман (шаҳар) тарғибот штаблари ташкил этилди. Ҳар бир туман (шаҳар) кесимида 5-7 нафардан, вилоятлар кесимида 10-15 нафардан партия ходимлари, фаоллари ва депутатлардан иборат, жами 223 та тарғибот гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Тарғибот гуруҳлари учун ҳудудларда икки кунлик семинар тренинг ўтказилди, унга 1 600 га яқин иштирокчи қамраб олинди. Тарғибот доирасида ҳозиргача беш мингга яқин тадбир ўтказилиб, уларда тўрт миллиондан зиёд иштирокчи жам бўлди.

Шунингдек, ҳудудлардаги 10 минг 758 та референдум участкасининг ҳар бирига етарли билим ва кўникмага эга партия аъзоларидан бир нафардан кузатувчи танлаб олинди. Уларга малакали эксперт-мутахассислар томонидан кузатувчининг ваколати ва мажбуриятлари тўғрисида батафсил тушунчалар берилди.

Мажлис кун тартибидаги ушбу асосий масала юзасидан сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, фаоллар янги таҳрирдаги Асосий қонунимиз мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда O'zLiDePнинг миллиондан ошаётган аъзолари ҳам жонбозлик кўрсатишганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, ушбу мажлис кун тартибига қўйилган иккинчи масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, "XXI asr" газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов сўзга чиқиб, ушбу тарихий жараёнда ОАВ вакиллари, жумладан, O'zLiDeP матбуот хизмати ҳамда таҳририят ижодкорлари иштироки хусусида маълумот берди. Айниқса, янгиланаётган Конституцияда алоҳида боб шаклида давлат оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини, соҳа вакилларининг ахборот излаш, олиш ва ундан фойдаланиш, тарқатишга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилишини кафолатлаши, энг муҳими, цензурага йўл қўйилмаслигидан ташқари эндиликда ОАВ фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлмоғи таъкидланаётгани "тўртинчи ҳокимият" ходимларига янада жиддийроқ масъулият юклашини таъкидлади. Ҳафталик нашр жамоаси шиддатли давр талабларига муносиб жавоб бериш учун замонавий услубларда фаолият юритишга ихтисослашаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Мажлис сўнгида муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**O'zLiDeP матбуот хизмати**

# ҲУҚУҚЛАРИМИЗГА ҚАЛҚОН, ТАРАҚҚИЁТГА НАРВОН



**Шоҳрух ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ёшлар парламенти аъзоси,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси**

**Сўзим аввалида тарихга бир қур назар солсам: Ўзбекистон 2008 йили Халқаро меҳнат ташкилотининг "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциясини (1999) ратификация қилгани ёдимизда. Унга мувофиқ "болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари" деганда қуллик, жинсий эксплуатация, болаларни қуролли тўқнашувлар, ноқонуний фаолият ёки уларнинг соғлиғи, ахлоқий ва психологик ҳолатига зарар етказадиган хавфли ишларда ишлатиш тушунилади.**

Айтиш зарурки, мамлакатимизнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ва Жиноят кодексларида бундай қилмишлар учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган. Янгиланаётган Конституциямизда эса "Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади" деган норма билан тўлиқ мустаҳкамланиб, тўлдирилмоқда.

Яқин ўтган йилларда болаларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш, айниқса, уларни пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича олиб борилган тизимли ва қатъий ислоҳотлар натижасида бу ҳолат тўлиқ барҳам топди. Янги таҳрирдаги Конституциямизга илк маротаба киритилаётган мазкур норма мамлакатимизда ушбу соҳада эришилган ютуқларни қатъий мустаҳкамлайди ҳамда болаларни меҳнатнинг оғир шаклларидан ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда, ушбу конституциявий норма болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган тарзда меҳнат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Хусусан, амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, янги таҳрирдаги Конституция нафақат бугунимизнинг, балки эртамизнинг фаровон бўлиши, эртамиз эгаларининг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб етишишига хизмат қилиши шубҳасиз.






ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЯНГИЛАНАЁТГАН АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ МУАЛЛИФИ ВА ИЖОДКОРИДИР 2с.



САДАҒАНГ КЕТАЙ, КИРАКАШ
фақат инсоф сўрайман сенга, ана шунда барака бўлғай рўзғорингда 5с.

"БАҒРИКЕНГ ЎЗБЕКНИНГ ЎЧМАС ИЙМОНИ"



ёхуд онамнинг Қўқондан қўним топган польшалик қочқинлар ҳақидаги ҳикояси

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
27-aprel 2023-yil 17 (1015)



# ШУ ВАТАН, ШУ ЮРТ БИЗНИКИ, ДЕМАК, КОНСТИТУЦИЯ ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ!

**Қарши шаҳридаги М. Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театри майдонида Oʻ‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан “Бу менинг танловим – бу менинг Конституциям” шиори остида Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишлар бўйича бўлиб ўтадиган референдум тарғиботи юзасидан эвент тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Oʻ‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов сўзга чиқиб, сўнгги олти йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга қулай шароит яратиш мақсадида муҳим қонунлар, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилингани, бу нормалар эндиликда Конституциямизда мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Янгиланаётган Бош қомусимиз бугунги кунда халқимизни қийнаб келаётган қатор муаммоларнинг мақбул ечими учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиши баробарида киритилаётган ўзгартишлар ва иқтисодиётимизнинг ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши, мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, давлат ички ва халқаро савдо ривожланиши учун барча шароитларни яратади.

– Янги таҳрирдаги Конституциямизда олий таълимда академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратади.

– Янги таҳрирдаги Конституциянинг 46-моддасида “Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас” дея ёзиб қўйилмоқда, – дейди Oʻ‘zLiDeP Қарши шаҳар Фахрийлар кенгаши раиси Илҳом Ўринов. – Бу биз, кексаларга эътибор ва ғамхўрлик миқёсини янада кенгайтиради, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилишимизни таъминлайди. Нуронийларини эъзозлаган, дуосини олган юрт доимо гуллаб-яшнайди.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонимизда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари ҳисобга олиниши, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратишда ижтимоий тафовутларни бартараф этиши шарт деган ғоя илгари сурилгани, ҳар бир инсоннинг қадри юксак бўлиши, давлат ва жамият эса бунга имконият яратиб бериши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

– Янги таҳрирдаги қомусимизда миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда, – дейди Яккабоғ туманидаги “Ситора имкон плюс” нодавлат муассасаси раҳбари, депутат Наргиза Саломова. – Жумладан, нафақат банк омонатлари, балки банк операциялари ва ҳисобварақларнинг ҳам сир тутилиши кафолатланаётир. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслигининг ўрнатилиши биз тадбиркорлар учун катта имконият эшикларини очади. Давлат томонидан қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитининг таъминланиши инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Тадбирда сўзга чиққанлар умумхалқ референдумининг мазмун-моҳияти, мамлакат Конституциясини такомиллаштириш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги сифат даражасига кўтариш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли экани, унинг негизида Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар моҳиятини белгиловчи “Инсон қадри учун” улуғвор ғояси ётгани, асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини сезиларли даражада кучайтириш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доирасини кенгайтиришдан иборат эканини, янгиланаётган Асосий қонуннинг мамлакатимиз фуқаролари ҳаётидаги ўрни, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган эътибор ҳақида батафсил фикр юритишди.

– Давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлаш, уй-жой, ишга жойлашиш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш бўйича мажбурият олмоқда, – дейди Қарши давлат университети талабаси Зарина Норбоева. – Бу нормалар, нафақат биз ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг фаровон тақдири учун муҳимдир. Бундан ташқари, янгиланаётган Конституциямизнинг 65-моддасида мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, хусусий мулк дахлсизлиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ўз мулкининг дахлсизлигига ишонган тадбиркор янги-янги марралар сари интилаверади. Анжуман иштирокчилари барчани халқимизнинг нурли истиқболи, барқарор иқтисодий тараққиётимиз, эл бахти ва фаровонлиги кафолати бўлган тарихий ҳужжатга бефарқ бўлмасдан, 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга чорлади.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**“XXI asr” мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЯНГИЛАНАЁТГАН АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ МУАЛЛИФИ ВА ИЖОДКОРИДИР

**Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги муҳим воқелик – Конституциянинг янгиланиши сўнгги йилларда эришилаётган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш бўйича янги марраларни забт этишга хизмат қилади.**



**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Oʻ‘zLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Ўзбекистон халқи янгиланаётган Конституциянинг асосий муаллифи ва ижодкори бўлди. Таклиф этилаётган лойиҳага эътибор қаратсак, унинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар 3,5 баробар кўпайганини кўришимиз мумкин. Бу халқимизнинг мамлакатда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларга бефарқ эмаслиги, ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилаётганини яққол намоён қилади.

Шу ўринда муштарийлар эътиборини Бош қомусимиздан ўрин олган иқтисодий, ижтимоий ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг конституциявий кафолатлари билан боғлиқ нормаларга қаратсак.

Қайд этиш керакки, хусусий мулк дахлсизлиги, эркин ривожланиш, соғлом рақобат, тадбиркорлик, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги каби устувор йўналишлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожланишининг конституциявий механизмларини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва макроиқтисодий барқарорлиги кафолатини таъминлайди.

Бундан ташқари, ягона иқтисодий маконни шакллантириш, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши бўйича конституциявий кафолатларни кучайтириш билан боғлиқ янгиликлар ҳам долзарблиги билан аҳамиятли. Қулай ишбилармонлик муҳити, ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари иқтисодий тараққиётни таъминлайди ва келажакка бўлган ишончни оширади.

Бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам ўта муҳим ва шиддатли ислоҳотлар кечмоқда. Иқтисодий тизим тўлиқ қайтадан такомиллаштирилди, айтиш мумкинки, эски қолипларни ўзгартириш қанчалик мушкул ва мураккаб бўлмасин, янгича бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди.

Ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, нархларни тартибга солиш кўлами қисқартирилгани, тижорат банкларига кредит сиёсатини юритишда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилгани, мамлакат иқтисодий тараққиётининг локомотивлари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга ўз бизнесини юритиш учун бутунлай янги имкониятлар яратилгани, айниқса, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланганини алоҳида таъкидлаш керак.

Маълумки, давлат жамият иқтисодий негизларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида конституциявий нормалар талаблари асосида тегишли қонунлар, қонуности меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни такомиллаштириб бориш, жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан бозор иқтисодиёти тамойиллари, қоида-талаблари асосида фаолият юритилиши учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш функциясини бажаради. Конституциявий ислоҳотларда иқтисодий йўналишдаги ўзгаришларнинг моҳияти шундаки, халқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шарти бўлган ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга эришиш муҳим. Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда “Инсон – жамият – давлат”, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция билан тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобатга шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилади.

Мураккаб халқаро муносабатлар шароитида қўлга киритган иқтисодий натижаларимиз ўз-ўзидан содир бўлмаяпти. Буни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида иқтисодиёт либераллашуви, жамият эркинлиги ва хавфсизлиги ҳамда халқаро муносабатларда дўстона ташқи муҳит яратилгани билан боғлаш мумкин.

Олимларнинг фикрига кўра, агар иқтисодий ислоҳотлар конституциявий ўтиш даврининг кичик бир қисми экани тан олинмаса, ислоҳотлар самарадорлигини баҳолаш нотўғри бўлиши мумкин. Глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни давлатимизнинг амалдаги Конституциясига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини ҳаётий заруратга айлантирди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз ривожланиш жараёнларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаши баробарида республиканинг миллий устувор манфаатларини акс эттиради. Буни биргина иқтисодий соҳада киритилаётган нормалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Белгиланяптики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади. Бу норманинг жорий этилиши товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капиталнинг мамлакат бўйлаб ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланишига кенг йўл очади. Энг муҳими, бозор иқтисодиётининг асосий принципларидан бири – эркин рақобат муҳитини қарор топтиради. Шу ўринда айтиш керакки, Жаҳон савдо ташкилотининг асосий талабларидан бири ҳам меҳнат ресурслари, товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ҳисобланади. Мазкур норма бу борадаги ютуқларимизни мустаҳкамлаш баробарида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, рақобат муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодиёт соҳасида илғор тажрибага эга давлатлар амалиётида бир мамлакат ичида ёки ўзаро манфаатдор давлатлар ўртасида савдо муносабатларини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар ва хусусий бизнес эгаларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, бозордаги тақчилликнинг олдини олиш, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш борасида бозорнинг муҳим тўртта объекти бўлган товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига катта эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда ҳам конституциявий ислоҳотлар орқали иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича янги таҳрирдаги Конституциянинг 67-моддасига “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади” деган норма киритилган. Бу норманинг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда барча ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар учун мамлакат ҳудуди ягона иқтисодий маконга айланади. Товар ва хизматларнинг республикада ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши давлат томонидан кафолатланади. Шу билан бирга, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағлар ҳаракатланишида тўсиқлар бўлмаслиги тўғрисидаги мажбуриятни ҳам давлат ўз зиммасига оляпти.

Юқорида келтириб ўтилган норманинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз ҳудудида молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши нафақат ҳудудлар бўйлаб тўсиқсиз тўловлар ва ўтказмаларни амалга ошириш имконини, балки вилоятлар ўртасида кўчмас мулк ҳамда корхона акцияларини сотиб олиш, шу билан бирга, минтақаларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, турли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга замин яратади.

Жорий ислоҳотлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларимизга ижобий натижаларга эришиш имконини беради. Жумладан, товарлар ва хизматларнинг мамлакат бўйлаб айланишига тўсиқлар жорий этилмаслиги таъминланади. Пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ҳисобига молия бозоридаги турли соҳалар ривожланишига эришилади. Валюта бозорини либераллаштириш, киритилган инвестициялар бўйича фойдани қайтариш кафолатини таъминлайди.

Мазкур норма киритилиши давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан хомашё, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишини ноқонуний чеклашнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектининг қайсидир ҳудудда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишини талаб қилишга чек қўйиш ҳамда меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатига замин яратади. Содда қилиб айтганда, ҳеч кимнинг тадбиркор ва фермерлар маҳсулотини бир вилоятдан бошқа вилоятга олиб ўтиши, сотишига тўсқинлик қилишга ҳаққи бўлмайди.

Халқаро бозордаги рақобат тобора авж олиб бораётган бир шароитда давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан эркин бозор механизмларини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилмаса, мамлакат тараққиёти барқарорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар фаровонлигига жиддий путур етказиши мумкин бўлади. Шу боис мамлакатимизда давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга доир конституциявий вазифа ва функцияларини Бош қонунимизда аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат томонидан кафолатланиши, мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланяпти. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатни таъминлайди. Ўз навбатида, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши, бизнес муҳитини яхшилаш, ички ва ташқи савдо ривожланиши, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодий ислоҳотлар натижасида геосиёсий вазият, глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви ҳамда иқтисодий ноаниқликларга қарамай, мамлакатимиз макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиши таъминланяпти. Бунинг барчаси иқтисодий муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашувнинг йўлга қўйилгани ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга берилаётган эътибор самарасидир.

Миллий иқтисодиёт соҳаси изчил ва тизимли ислоҳотлар, муҳим эврилишлар, сиёсий ирода ва ташаббуслар марказида бўлиб, тобора равнақ топиб бормоқда. Эришилган ютуқларни эътироф этмоқ, атрофлича таҳлил қилмоқ ва келажакдаги муҳим қадамларимизни шунга монанд белгилаш зарурати эса халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Ислоҳотларнинг энг бирламчи мақсади аҳоли фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятли. Ўрганиш ва тадқиқотлар аҳолининг кўпчилиги етарли ва доимий даромад манбаига эга эмаслигини кўрсатди. Демак, камбағал қатлам мавжуд, жами аҳолига нисбатан тахминан 12–15 фоизлиги ҳам ҳақиқат. Тақрибан айтсак, бу кам эмас, 4-5 миллион аҳоли дегани. Шундан сўнг амалий ишларга киришилди. Одатда ишсиз одамлар ҳунар ўрганиш, малака эгаллаш учун маблағдан қийналади. Энди давлат айни шундай паллада ёшлар ва аёлларга моддий ҳамда ижтимоий кўмак кўрсата бошлади. Ажратиладиган маблағ меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларни ўргатувчи мингдан зиёд нодавлат таълим марказлари ташкил этилишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий тараққиёт, бир томондан, камбағалликни камайтирса, иккинчи томондан, камбағалликнинг кўпайиши иқтисодий тараққиётни сусайтиради. Одамларда соғлиқни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш имкони чекланса, улар борган сари қашшоқлашади, иқтисодиётда талаб камаяди. Ўз навбатида, иқтисодиёт юқори малакали ходимларга бўлган эҳтиёжини қоплай олмайди. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар алоҳида жиҳат сифатида акс эттирилди. Жумладан, унда ижтимоий давлат тамойилига оид нормалар янада мустаҳкамланиб, сифатли таълим ва тиббий хизмат, фуқароларимизнинг ижтимоий эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи тизимини яратиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойга эга бўлишга қаратилган қоидалар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинаётган янги Конституция қатор ижобий жиҳатлари билан халқимизнинг муносиб турмуш кечириши ва юртимиз тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга бўлади. Замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи янада ортишига хизмат қилиб, юртимизнинг ижобий имижини янада юксалтиради.

# ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТИ

## КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР МАҚСАДЛАРИНИ ЯНАДА ТЕРАН АНИҚЛАШТИРИШ, ПИРОВАРДИДА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМДИР

**Бугун дунёда юз бераётган кескин эврилишлар, геосиёсий вазиятнинг шиддат билан мураккаблашуви, кутилмаган воқеликларнинг авж олиши натижасида турли таҳдидларнинг тобора кучайиши, табиийки, давлатчилик асосларини ҳар тарафлама мустаҳкамлашни тақозо этади. Қонунлар қонуни ёки Бош қомус, дея таърифланадиган Конституция эса давлатчиликнинг ўзаги, таъбир жоиз бўлса, ўқ томиридир.**

Бу ҳужжат ҳам аҳамияти, ҳам моҳияти нуқтаи назаридан ўта ноёб саналади. Боиси, унда бир томондан давлат ва унинг органлари тизими, иккинчи томондан мамлакат фуқароларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёшу қари учун тушунарли тарзда баён этилади.

Халқ билан давлат ҳокимияти ўртасидаги мулоқот ҳозирда тубдан ўзгарганлиги ҳеч кимга сир эмас. Очиқлик сиёсати ҳам орқага қайтмайдиган жараёнга айланганини ҳамма кўриб турибди. Модомики, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар даражаси карраларда ортиб бораётир. Уни қондириш учун эса янгича муносабатларга, сифат жиҳатдан янада юксак босқичга ўтилиши даркор. Шу маънода янгиланаётган Конституция жамият ва давлат ўртасидаги янги “жамоат келишуви” бўлади, десак муболаға қилмаймиз.

Таклиф этилаётган ўзгартишларга кўра, энг асосий бурилиш Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат функциясини Конституция билан ўз зиммасига олаётганида яққол намоён бўлади. Статистика тили билан айтганда, ижтимоий мажбуриятларга доир нормалар амалдаги Конституцияга нисбатан 3 баробарга ошмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида сезиларли енгилликлар берилаётгани, давлат ҳокимияти тизимининг ишлаши такомиллашаётгани ва ихчамлашаётгани ҳам “инсон – жамият – давлат” тамойилининг ҳаётий ифодасидир.

Турфа тарғибот тадбирлари ва оммавий учрашувларда “Халқ Конституцияси” деган сифат баралла қўлланаётгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳар қандай давлатнинг ривожланиш йўлини белгилаб берувчи олий қонун ҳужжати бевосита халқ томонидан қабул қилинмоқда.

***Референдумга чиқарилишидан олдин лойиҳа жамоатчилик орасида синчковлик билан муҳокамадан ўтказилганлиги, шу аснода 220 мингдан ортиқ таклиф келиб тушганлиги ва ушбу мулоҳазалар негизида лойиҳа қайта шакллантирилгани Янги Конституция том маънода “Халқ Конституцияси” эканлигидан далолатдир. Халқнинг ўзи овоз берганидан кейин унга қўшимча қандайдир ҳужжатлар қабул қилиниши ёки нуфузли идораларда муҳокама этилиши шарт эмас.***

Конституциявий ўзгаришлар айнан давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини замонавий қадриятларга ўтказишга, буйруқбозликни кескин камайтириб, такрорлашлар, самарасиз функциялардан воз кечишга туртки беради. Афсуски, бугунги ҳаётимизда инсоннинг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига жиддий таъсир этаётган коррупция, монополия, масъулиятсизлик, нокомпетентлик, маҳаллийчилик, бепарволик каби иллатлар ҳамон мавжудлигини инкор этолмаймиз. Конституцияга киритилаётган янги нормалар ушбу иллатларнинг илдизига болта уришга қаратилган.

Янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар қарийб икки баробарга ортиб, давлат ҳокимиятини ташкил этиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг мақоми, ўзаро муносабатлари тубдан трансформация бўлмоқда. Давлат ҳокимияти олий органлари ўртасидаги баланс, мувозанат сезиларли даражада, яъни кўпроқ парламент фойдасига ўзгармоқда.

Бунда, энг аввало, парламент фаолиятини амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ва алоҳида-алоҳида ваколатлари аниқ белгиланмоқда. Хусусан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ахборотини муҳокама қилиш каби ваколатлар бевосита халқ томонидан сайланадиган Қонунчилик палатасига ўтказилмоқда. Бу ўзгартиш парламент қуйи палатасининг вакиллик табиатига мос келади ҳамда унинг фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини беради. Шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда олтмиш кун ичида кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатиляпти. Агар юқори палата шу муддат ичида кўриб чиқмаса, уни имзолаш учун тўғридан-тўғри Президентга юбориш амалиёти жорий этилаётир.

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларига мисол тариқасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани эшитиш қатъий белгиланаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш мақсадида парламент палаталари раҳбарлари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши раҳбарияти, Бош прокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, халқ депутатлари кенгашлари раислари ва ҳокимларнинг лавозимга икки муддатдан ортиқ сайланиши (тайинланиши) мумкин эмаслигига оид конституциявий чеклов киритиш таклифи илгари сурилмоқда.

Олий ҳуқуқий мақомга эга бўлган ҳужжат сифатида янгиланаётган Конституцияда жамиятнинг барча қатлам ва тоифалари манфаатлари тўлиқ қамраб олинаётгани эътиборга



**Адҳам ШОДМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Конституциявий комиссия аъзоси**

молик. Мисол учун, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электоратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи бизнес ҳамжамияти – ишбилармонлар ва фермерларни олиб кўрайлик.

Тадбиркорларнинг қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз йўналишини мустақил равишда ўзи танлашга ҳақли эканлиги белгиланмоқда. Бу норманинг киритилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабини ўзида ифода этиб, “қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга рухсат берилади” тамойили асосида тартибга солинишига оид ҳуқуқий мезонларнинг конституциявий даражада мустаҳкамлаши том маънода воқелик ҳисобланади. Янада диққатга сазовор жиҳати шундаки, бу борада таклиф этилаётган ўзгартишлар O‘zLiDePнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг ва уйғундир.

Конституцияга монополистик фаолият қонун билан чекланиши бўйича меъёрнинг киритилиши товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчилари учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш орқали тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, бундай ёндашув туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб боради. Пировардида иқтисодий эркинликни суиистеъмол қилган ҳолда монополистик фаолиятни амалга ошириш ёки ўзаро ҳамкорликда инсофсиз рақобат қиладиган тадбиркорлар сони ҳам кескин қисқаришига эришилади.

Партиямиз таянчи саналган мулкдорлар синфи ҳақида гап кетар экан, лойиҳада ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлақонли жорий этилмагани ҳақиқий мулкдорлар қатлами етарлича шаклланмаслиги, ернинг ҳақиқий товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслиги ҳамда хорижлик инвесторларнинг миллий иқтисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди. Бугунги кунда фуқароларнинг уй-жойлари, тадбиркорлар фойдаланаётган бинолар жойлашган ер участкалари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли эмас. Яъни бино ўзиники-ю, ер давлатники. Бозор иқтисодиёти ерни ҳам хусусий мулк асосида уларга тегишли бўлишини талаб этади. Шу боис, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу норма янгиланаётган Конституциямиздаги ҳақиқий инқилобий янгиликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларидаги кемтикни тўлдиришига шубҳа йўқ.

# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИГА ИШОНЧ, ИМКОН ИШТИЁҚ БЕРАДИ

**Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти – соҳа ва тармоқлар кесимидаги муайян ютуқлари ёшлар таълим-тарбиясига бериладиган эътибордан келиб чиқиши тарихдан яхши маълум. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.**



**Абдулла АСЛОНОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари**

Шу маънода, Ўзбекистонда кейинги йилларда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани, навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрликни кучайтириш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани, бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда тобора такомиллаштирилаётгани таҳсинга лойиқ.

Бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетгани, шу билан бирга, айни қатламни “нишон”га олишга ҳаракат қилаётган халқаро терроризм ва экстремизм ташкилотчилари ҳам тинч ўтирмаётган бир пайтда ёшларга имкониятларни кенгайтириш баробарида уларни ишончли муҳофазалаш зарурлигини ҳам узоқ-яқин атрофимиздаги воқеалар яққол кўрсатиб турибди.

Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун эканида ҳам чуқур мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда йигит-қизларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, дахлдорликни ҳис қиладиган, мақсадга интилувчан, серғайрат, садоқатли шахслар сифатида тарбиялаш энг ривожланган давлатлар сафига қўшилишнинг муҳим омилидир.

Эндиликда бу борада тамомила янги давр – ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда бутунлай янги босқич остонасида турибмиз. Боиси, янгиланаётган Конституциямизга “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланган алоҳида боб киритилиши аслида улкан воқелик саналади. Жумладан, 79-моддада давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши аниқ белгилаб қўйилаётгани навқирон авлод учун бекиёс эътибор эмасми?!

Шу модданинг кейинги қисмида эса давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлаш, уй-жой, ишга жойлашиш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши кўрсатиб ўтилмоқда. Шунинг учун ҳам барча ҳудудларда ушбу лойиҳа тарғиботига бағишланган байрамона тадбирларда ёшларимиз “Бу – менинг Конституциям!” дея баралла ҳайқираётгани қувонарли, албатта.

Ҳаётий ҳақиқат шуки, бугун замон мислсиз даражада тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакат тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун эса бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамият ҳам ўзгариши керак. Бош қомуснинг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши ва муҳокамага қўйилишига ана шу мезон асосида ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳозир шундай қилинмаса, эртага кеч бўлади. Муаммоларни кўриб, кўрмасликка олиш ўзимизга, биринчи навбатда, эртанги кун эгаларига зиён.

Модомики, ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотлар тақозосини теран англаётгани, киритилаётган ўзгартишларнинг аҳамиятини ангаб етаётгани эътиборга лойиқ. Мисол учун, комил инсонни вояга етказишдек улкан жараённинг дастлабки бекати бўлган таълим соҳасининг ҳуқуқий асосларини конституция даражасида белгилаш улуғ мақсадларимиз дебочасидир.

Алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим-тарбиянинг ташкил этилиши Бош қомусда илк бор ўз аксини топмоқда. Унга кўра, соғлиғида нуқсони бўлган болаларни фақатгина ихтисослашган мактабларда эмас, ҳамма қатори умумий мактабларда ўқитишнинг йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадри тамойилининг амалий исботи бўлиши шубҳасиз.

Олий таълим муассасаларига академик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи тақдим этилмоқда. Хусусий олий ўқув юртлари очилмоқда, хорижий университетлар филиаллари сони ортмоқда, олис ҳудудларда ҳам университет филиаллари ташкил этилмоқда.

Академик эркинлик – олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилотларида таълим бериш ва илмий-тадқиқот ўтказиш эркинлигидир. Ушбу имконият ўқув жараёнини мустақил шакллантириш, профессор-ўқитувчиларни дарс ўтиш баробарида илмий-тадқиқот мавзуларини мустақил танлаш ва тадқиқ этиш, унинг натижаларини нашр этиш ва тарқатиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар академик эркинлиги чекланмаслигида ва бошқа омилларда намоён бўлади. Конституциямизга ушбу норманинг киритилиши олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнида давлат иштирокини чеклаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олишга ҳақли эканлиги назарда тутилаётгани ҳам бежиз эмас. Мазкур норма Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига ишорадир. Бундан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ёшлар учун давлат гранти асосида бакалавриат ва магистратура босқичида таълим олиш орқали ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган. Бу ўзгартишларнинг ҳаммаси **“инсон – жамият – давлат”** деган мустаҳкам ғоя асосида қурилгани билан жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда. Бошқача айтганда, ана шу эзгу ғоя конституция ва қонунларга кўчиб, кундалик ҳаётимизга чуқур сингиши керак.

***Давлатимиз раҳбари пойтахтда ёки ҳудудлардами, қандай масалага бағишланган селектор ёки нуфузли тадбирларда нутқ сўзласа, ҳар доим ҳуқуқий пойдевор мустаҳкам бўлишини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди. Масалан, ўтган йил охирида Олий Мажлис ва халқимизга йўлланган Мурожаатномада тилга олинган қуйидаги даъват ҳам фикримиз тасдиғи бўлади: “Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир”.***

Дарҳақиқат, барчамиз гувоҳмиз, конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида халқимиз фаол иштирок этди. Энди ушбу жараёнда қай даражада фаол иштирок этмоқ, қолаверса, умумхалқ референдумида қандай овоз бермоқни ҳам доно халқимиз ҳал этади. Чунки ана шундай тадбирлар ҳам юртдошларимизни бирлашиш, ҳамжиҳатликка чорлайди. Балки шу боис янгиланаётган Ўзбекистон Конституцияси бежиз “Халқ конституцияси” дея таърифланмаётгандир. Ушбу бирдамликнинг ўзи мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки кўрсаткичларидан бири, десак муболаға бўлмайди.

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
27-aprel 2023-yil 17 (1015)

# БАЙРАМГА АЙЛАНГАН ТАДБИРЛАР

**O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ АКТАМ ХАИТОВ САМАРҚАНД ТУМАНИДАГИ "НАВОБОД НАСЛЛИ ПАРРАНДА" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА БЎЛДИ. САМАРҚАНД, ТОЙЛОҚ, УРГУТ, БУЛУНҒУРЛИК ФЕРМЕРЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ, ТАЖРИБАЛИ ДЕҲҚОН ВА ЧОРВАДОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ.**

Бўлажак референдум ҳамда Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар, хусусан аграр соҳадаги янгиликлар бўйича ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мамлакатимизда кластер, фермерлар учун яратилаётан имконият ва имтиёзлар хусусида тўхталди.

"Навобод наслли парранда" фермер хўжалиги раиси, O'zLiDeP вилоят Фахрийлар кенгаши раҳбари Ҳайдар Ўроқов сўзга чиқиб, янгиланаётган Конституцияда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни қонунга мувофиқ хусусийлаштириш мумкинлиги белгиланаётгани, бу эса соҳа ходимлари учун навбатдаги имкониятлар эканини айтди.

– Конституцияда илк маротаба ер хусусий мулк бўлиши, у умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулкчиликка йўл қўйилиши назарда тутилмоқда, – деди O'zLiDeP вилоят Фахрийлар кенгаши аъзоси, фахрий фермер Тўхта Худойназаров. – Бу ишбилармон кишилар учун катта имкониятдир. Улар ихтиёридаги ернинг бозор қиймати шаклланади ва ер капиталга айланади. Қўшилган қиймат занжирини яратишга хизмат қилади.



***

O'zLiDeP раиси иштихонлик фермер ва томорқачилар, соҳа мутахассислари, тажрибали деҳқон ва чорвадорлар билан ҳам учрашди.

"Нозима Азиза далалари" фермер хўжалигида ташкил этилган мулоқот давомида Конституциявий қонун лойиҳаси ва унда қайд этилган аграр соҳадаги янгиликлар бўйича ҳам маълумотлар берилди. Шунингдек, Президентимизнинг жорий йилнинг 12 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг мазмун-моҳияти етказилди.

Таъкидландики, фермер хўжаликларининг дала четларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш, сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ютуқларини ҳар бир ҳududнинг иқлим шароитларидан келиб чиқиб қўллаш ва экин етиштириш галдаги муҳим вазифалардир. Шу боис ҳосилни сақлаш, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг самарали ва уйғунлашган инновацион услубларини жорий этилади.

***

Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган, "Инсонга фаровонлик, жамиятга эркинлик, давлатга масъулият!" шиори остидаги ташвиқот тадбири "Сиёб Шавкат Орзу" кўп тармоқли фермер хўжалигида байрамона шукуҳда ўтди.



Очиқ осмон остида ўтган тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Боқиев, парламент қуйи палатаси депутатлари, фермер хўжалиги ва "Бахмал тўқима" МЧЖ ишчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни партия лидери очаркан, бугун халқимиз томонидан жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларга мутаносиб ҳолда яратилаётган Бош қомусимиз янада осуда, обод ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлишини таъкидлади. Янгиланаётган қомус бевосита халқ томонидан қабул қилинадиган биринчи ҳуқуқий ҳужжат экани, референдумдаги ҳар бир овоз катта аҳамиятга эга бўлишини алоҳида уқтирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – Наврўз Ризаев, Ғайрат Абдиев тарихимизда илк бора Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб белгиланаётгани, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи дея мустаҳкамланаётганига урғу беришди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар Конституцияда уч баробар кўпайтирилаётганини қайд этишди.

– Лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт баробар кўпайтирилмоқда, – деди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Шавкат Жабборов. – Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўтаринки руҳда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Мардон Мавлонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров, "Ёшлар овози" республика кўрик-танлови ғолиби, тумандаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фариза Сайфиддинова, маданият ходимлари ватан, ёшлик, муҳаббат ва она юрт мадҳини тараннум этган куй-қўшиқлари билан йиғилганларга кайфият улашди.



Мулоқот якунида партия фаоллари "Сиёб Шавкат Орзу" кўп тармоқли фермер хўжалиги тасарруфидаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди.



Тадбирда сўзга чиққан туман фахрийлари, фаоллар, ишбилармонлар ва ёшлар халқимиз тақдири ва эртанги кунини белгилаб берадиган тарихий қонунга бефарқ бўлмасдан, ҳаммани 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга чақиришди.

**O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# ТЕНГЛИКНИ, БИРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Шубҳасиз айтиш мумкинки, янгиланаётган Конституция инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга давлат хизматининг мақомини, унга қабул қилиш масалаларининг шаффофлигини таъминлайди.**



**Асроржон САТТОРОВ, Жамоат хавфсизлиги университети доценти**

Хусусан, 37-модданинг биринчи қисмида давлат хизматига киришда мамлакатимиз фуқаролари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилиши махсус норма билан мустаҳкамланмоқда.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда давлат хизматига қабул қилиш очиқ танлов асосида амалга оширилиши, кадрларнинг хизмат бўйича ўсиб бориши билан боғлиқ фаолиятда номзодларни "тенг ҳуқуқлилик" тамойили қўлланиши белгилаб берилди.

Айтиш лозимки, 2022 йилнинг ўзида барча туман (шаҳар) ҳокимликларидаги вакант лавозим бўйича 90 мингдан ортиқ очиқ танлов эълон қилиниб, 919 минг номзод танловда иштирок этиш учун ҳужжат топширган ва 39 мингдан ортиқ фуқаро давлат хизматига очиқ ва тенг имкониятлар асосида қабул қилинди. Бугунги кунда давлат идораларида 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари фаолият юритмоқда. Анча йиллардан бери қабул қилиниши мўлжалланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу қонуннинг 29-моддаси иккинчи қисмида давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун номзодларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларнинг тенглиги кафотлатланиши белгиланган.

Авваллари давлат хизмати ўзининг жозибадорлиги жиҳатидан кўп ҳам ўзига жалб қилмас эди. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий таъминот масалалари амалда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган эди. Ёки давлат хизматчиларининг ҳуқуқини чеклашга қаратилган бўшлиқлар қонунчиликда сақланиб қолган эди.

Мисол учун, Тошкент шаҳрига ишга киришда "прописка" деган чеклов ва бу учун тегишли жавобгарлик мавжуд бўлган. Ёхуд аёлларнинг, жумладан, ҳомиладор аёлларнинг ишга киришида тенг ҳуқуқлиликнинг кафолатланмагани турли коррупциявий ҳолатларни юзага келтирган. Буларнинг барчаси, албатта, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва мазкур соҳанинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганидан эди.

Олий қонунимизда фуқароларимизнинг давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлишининг кафолатланиши давлат хизматининг рақобатдошлиги, очиқлиги ва профессионаллигини оширади. Салоҳиятли ёшлар, хотин-қизларнинг давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди ва давлат хизматига ишончи ортишига ҳамда иқтидорли, замонавий фикрлайдиган кадрларнинг хорижга чиқиб кетиши, шунингдек, коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Ушбу муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда сифатли кадр сиёсати барқарорлигини, тараққиётни таъминлайди.

**Янги Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Халқаро миқёсда танилган экспертларнинг ижтимоий тармоқларда ёзишича, мамлакатимиздаги бу ўзгаришлар халқнинг тафаккури сиёсий жиҳатдан сезиларли равишда юксалганидан яққол далолат беради. Модомики, Асосий қонуннинг демократик ёндашув тарзида такомиллашуви кейинги ислоҳотлар муваффақиятида локомотив вазифасини ўтайди. Бу эса, ўз навбатида, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган улуғвор мақсадларга эришишга мустаҳкам замин ҳозирлайди.**

# ЎН БЕШ ОЙЛИК ҲАЯЖОН

## ЁХУД ОНГСИЗЛИКНИ ОНГЛИ РАВИШДА АВЖ ОЛДИРИШ ТУГАГАНИГА ОИД МУХТАСАР МУЛОҲАЗА



**Шерзод МАМАТҚУЛОВ, O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари**

Ҳозир мен айтмоқчи бўлган воқеа бундан ўн беш ой муқаддам юз берганди. 2021 йилнинг ноябрь ойида демократик ва шаффоф сайловда ғолиб чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг инаугурацияси ўтказилди. Мазкур тантанали маросимдаги маърузасида Шавкат Мирзиёев шахсий мулкка бўлган ҳуқуқ юзасидан суд ҳимоясини қатъий кучайтириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Мулкдорлар манфаати муҳофазасига устувор аҳамият берадиган партияда анчадан бери ишлаётган бир мутахассис сифатида давлат раҳбарининг бу таклифи мени ҳаяжонга солганди ўшанда. Қани эди, узоқ йиллардан буён нафақат бизнинг электоратимизни, балки аҳолининг кенг қатламларини қийнаб келаётган шу муаммо ҳал этилса, дея ўйлагандим. Лекин ушбу масаланинг бунчалар тез, яъни бир йилдан сал кўпроқ вақт оралиғида ҳуқуқий ечим топишига унчалик ишонмагандим. Бу масаланинг Конституция даражасига олиб чиқилиши эса ҳаяжонимни янада оширди.

Умумхалқ референдумида овозга қўйилаётган янги таҳрирдаги Конституциянинг 47-моддаси билан танишган киши фикримга қўшилиши турган гап. Чунки унда қуйидаги норма қатъий белгилаб қўйилмоқда:

**"Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.**

**Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.**

**Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади".**

Хўш, бу нимани англатади?

Шундай тушуниш керакки, барча демократик давлатларда, айниқса, шахс яшаб турган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи муҳим ҳуқуқ ҳисобланади ва мутлақ ҳимоя қилинади. Худди шу меъёр энди бизнинг Асосий қонунимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Инаугурацияда берилган ваъда олий ҳужжат шаклида реал ҳаётга кўчмоқда.

Мазкур модда билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда: **суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда тенг қийматда компенсация олиш кафолати.** Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади.

Тенг қийматда компенсация олиш эса мулкдорга олиб қўйилган мол-мулк учун унга тенг қийматли мол-мулк берилиши ва кўрилган бошқа зарар тўла ҳажмда қопланишини англатади.

Соддароқ қилиб тушунтирганда, *энди тадбиркор ёки фуқаронинг мулки "снос" баҳонасида бузилишига умуман йўл қўйилмайди.* Давлат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши кўзда тутилган ҳудудлар эса мулк эгаси рози бўлган ва компенсация тўлиқ қоплаб берилгандан кейингина бузилиши мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан **"Менинг биринчи уйим"** номли янги ипотека дастурини амалга ошириш бошланаётгани ҳам тилга олинган жараённинг изчил давоми ҳисобланади. Мазкур дастур, биринчи навбатда, тураржойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уйлар барпо этилиши ва фойдаланишга топширилиши натижасида оғир шароитларда яшаб турганлар ўзининг замонавий бошпанасига эга бўлади. Такрор бўлса-да айтишга тўғри келади: *эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш тартиби ҳам конституциявий норма мақомига кўтарилмоқда.*

Янги таҳрирдаги Бош қомусимиз кучга киргач, ишончим комилки, жамиятимизда ўткир муаммолардан бирига айланган "снос" билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар ҳам, айни тушунчанинг ўзи ҳам бутунлай йўқолади. Чунки Конституцияда бу қоиданинг мустаҳкамланиши орқали аҳолининг уй-жойлари катта-кичик амалдорлар ихтиёри билан олиб қўйилмаслиги ва инсонларнинг кўчада қолиб кетмаслигига эришилади. Ҳеч ким мулк эгасини рози қилмасдан туриб, уни буза олмайди.

Шундай пайтларда Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз қудратимни сақлаш учун бир қўлимда адолат, иккинчисида беғаразлик шамини тутиб, улар ила умр йўлимни ёритиб юрдим, деган даъвати ёдга тушади. Зеро, буюк саркарданинг ана шундай ўгитлари, илм-маърифат ва одилликнинг аҳамиятига оид сабоқлари бугунги авлодларнинг мақсадга етишиш йўлини ёритаётгани шубҳасиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, шахсан мен O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашидаги фаолиятим давомида уй-жой ва мулк масаласида кўплаб мурожаатчилар билан мулоқот қилишимга тўғри келади. Уларнинг оддий инсоний мантиққа асосланган мулоҳазаларини тинглар эканман, жабрдийдалар юрагини ўртаётган дард менинг дардимга айлангандай бўларди. "Ҳоким битта қарор билан қандай қилиб уйимни бузади?" деган саволига аниқ жавоб бериш чигал жумбоғу тузалмас мушкулотнинг ўзгинаси эди.

Ана энди ундай бўлмайди – барча ривожланган давлатларда бўлгани каби масала фақат суд муҳокамасига қўйилади. O'zLiDeP ҳам ишни кўриш жараёнида бемалол мулкдор томонда тура олади. Электорат манфаатини чинакам ҳимоялашни уддалайди. Партиявий мансубликдан ташқарига чиқиб, лўнда айтадиган бўлсам – онгсизликни онгли равишда авж олдириш даври тугади.

Ўзига хос хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, конституциявий ислоҳотлар марказида **қадр** ва **ҳуқуқ**ни таъминлаш масалалари тургани очиқ ҳақиқат. Демак, эволюцион янгиланишлар майдонида намоён бўлган **инсон** наинки ҳаёти ўзгариши, айни пайтда ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг конституциявий даражада кафолатланишини исташи ва шунга астойдил интилиши табиий, албатта. Халқимизнинг бўлажак референдумда фаол қатнашиш тадоригини кўраётгани, гуруч курмаксиз бўлмайди дея айрим бефарқларни ҳам уйғотишга ҳаракат қилаётгани ана муҳим омил билан бевосита боғлиқ.

ОЙНА

# САДАҒАНГ КЕТАЙ, КИРАКАШ

## ФАҚАТ ИНСОФ СЎРАЙМАН СЕНГА, АНА ШУНДА БАРАКА БЎЛҒАЙ РЎЗҒОРИНГДА

**Айнан мустақиллик йилларида учта: *савдо, овқатланиш* ва *йўловчи ташиш* соҳалари қисқа муддатда мунтазам, сифатли ва тизимли иш жараёнига ўтганидан кўз юмиб бўлмайди. Бугун исталган маҳсулотни харид қилиш учун вақт кетказиб, дўконга боришга ҳожат йўқ – ўша маҳсулотни манзилга етказиб бериш хизматлари бекаму кўст ишлаяпти. Тайёр овқатни дастурхонингизга айтган вақтингизда элтиб беришаётганини айтмайсизми.**










Эсланг, шўролар замонида гарчи йирик шаҳарларда “таксопарк”ка қарашли “шахмат тахтаси” белгили машиналар хизмат кўрсатишса-да, уларнинг иш вақти ва йўл хариталари чегараланган эди.

Мисол учун, Урганч шаҳридаги шундай уловлару автобуслар кечқурунги соат 18 дан кейин шаҳар ташқарисига чиқмасди. Шунданми, шаҳарда кечроқ ушланиб қолсак, пиёда, омадимиз чопса, бирор йўл машинада уйимизга минг бир азобда етиб олардик. Ҳозир эса киракашлар туну кун хизматга тайёр. Қўнғироқ қилсангиз бўлди, беш дақиқада уйингизга етиб келади ва исталган манзилингизга элтиб қўяди. Биргина йўловчи ташиш эмас, улар сиз айтган ҳар қандай эҳтиёжга яраша зарур дори-дармонми, почта юборяпсизми, фарқи йўқ, ҳатто бозордан ўзлари ҳам хоҳлаган маҳсулотингизни хариб қилиб келтириб беришади.

Хизмат сифатига гап йўқ! Фақат...

**Йўл ҳақи масаласи** ҳамиша йўловчиларда тушунмовчилик ва норозиликлар уйғотаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўрганиб олишди, ҳар гал турли байрамлар яқинлашди дегунча такси ҳақлари осмонга сакрайди. ОАВ, ижтимоий тармоқларда бонг урилади ва бир-икки кундан сўнг бу каби қалампирсифат танқидлар қумга сингиб кетган сувдек изсиз йўқолади. Бирор-бир масъул ташкилот тайинли муносабат ҳам билдирмаётгани янада аянчлидир.

Масалан, уч-тўрт кун аввал рўй берган кўнгилсиз ҳолатлар кўпчиликни ранжитди. Яъни Рамазон ҳайити арафасида пойтахтдан уйига қайтишга чоғланган талабалар бир кунда киракашлар йўл ҳақини беш-олти марта ошириб юборишганидан қаттиқ нолишди. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда ёзилди, гапирилди. Оддий мисол: Тошкентда ўқийдиган жияним 700 минг сўм эвазига зўрға Хоразмга такси топганини куйиниб айтиб қолди. Муқаддам мана шу масофага қатнайдиган киракашлар йўл ҳақи учун кўпи билан 150 минг сўм олишарди. Энди ўйланг, 150 минг қаёқдаю, 700 минг сўм қаёқда? Нега назорат қилинмайди бу каби бемаъни ҳаракатлар?

Табиийки, тирикчилик дея важ келтираётган ҳайдовчиларнинг минг битта баҳонаси тайёр. Йўлларнинг таъмирталаблигидан тортиб, бензиннинг сифатсизлиги-ю газ қуйиш шохобчаларидаги тирбандликлардан нолиб қолишадими-ей. Хуллас, йўл ҳақининг кутилмаганда ҳеч қандай асоссиз оширилиши... бизга доно халқимизнинг “Андишанинг оти қўрқоқ” иборасини эслатиб юборади шу дамда.

Яна ҳаётий мисолларга қайтаман: ўтган йил декабрь ойи ўрталарида вилоят маркази Урганчга бир юмуш билан бориб, ортга киракаш машинада қайтишимга тўғри келди. Қирқ километрлик масофага одатда киракашлар 15-20 минг сўм сўрашарди. Ўша куни йўл ҳақини эшитиб, капалагим учиб кетди – 100 минг сўм! Чўнтагимда 70 минг сўм пул бор эди. Шуни айтсам-да, киракаш бош чайқади: “Бўлмайди, ёшулли, бензинда юрибмиз ахир”...

Ваҳоланки, 110 минг сўмга олган ўн литр бензинга шу машина шаҳарга ҳам бориб, ҳам қайтади. Ҳар сафар тўртта йўловчи олса – қарабсизки, бир ярим соат ичида шароқлатиб 800 минг сўмгинани ишлаб турибди-да!

...Қишлоғимиздан Ҳазорасп бозоригача 12 чақирим. Киракашлар бу масофа учун 7 минг сўм йўл ҳақи олишарди аввал. Метан гази сотилиши тўхтаган даврда йўл ҳақи 15 минг сўмга чиқди. Март ойида метан заправкалар очилди, аммо киракашлар йўл пулини туширишмади.

Шахсий машина эгаларига киракашлик қилишлари ва даромад топишлари учун катта енгилликлар берилди. Муқаддам улар қандайдир уюшмаларга аъзо бўлишлари, ҳар куни тиббий кўрикдан ўтиш, йўл варақаси олишлари ва маълум тўловни амалга оширишлари тамойилда бўлса, эндиликда маълум миқдорда пул тўлаб лицензия олишса бас. Бу “ўзини ўзи банд қилганлик” тоифаси билан тенглаштирилди ва солиқлар ҳам шунга яраша энг паст тарифда белгиланди.

Пойтахтда хизмат кўрсатадиган киракаш машиналарда масофага ва вақтга қараб йўл ҳақи олиш тартиби жорий қилинган. Аммо бу тартиб вилоятларга етиб келганича йўқ. Айниқса, Тошкентдан вилоятларга қатнайдиган устамон олғирлар оғзига сиққан пулни айтишлари одатий ҳолга айланган.

Наҳотки, масофага қараб йўл ҳақи белгилаш тизимини ишлаб чиқиш ва уни назорат қилиш шунчалик қийин бўлса?!

Масалан, пойтахтдан Хоразмга оралиқ масофа минг чақиримга яқин. Демак, ҳар километрига 150 сўмдан белгиланса, одатий кунларда амалда бўлган 150 минг сўм йўл ҳақи келиб чиқади. Бу шу масофага қатнайдиган автобус ва поезд чиптаси нархлари билан деярли тенг.

Хабаримиз борки, Ўзбекистон автомобиль *ва дарё* транспорти *агентлиги* айнан шаҳарлараро ва ички йўналишдаги йўловчи ташиш уловлари ҳаракатларини мувофиқлаштиради, талаб қилинган йўналишлар бўйича танловлар эълон қилади. Шу билан бирга автобус ва маршрутли йўналишдаги микроавтобусларда йўл ҳақини ҳам айнан километрга қараб белгилайди.

Фақат айрим ноинсоф киракаш машиналар эгаларига келганда негадир ожиз қолмоқда бу ташкилот.

Тартибга солинмаган киракашлик хизмати эса қачон бензин, пропан ва метан газида нарх-наво ўзгариши биланоқ ўзбошимчалик билан йўл ҳақини ошириб олаверади. Бу эса ҳақли равишда одамлар орасида норозилик уйғотаётгани сир эмас. Бундай бошбошдоқлик, ўз билганича иш юритиш қачонгача давом этиши мумкин?

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**“XXI asr” мухбири**

## Ҳудудлардан хабарлар

✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ТАРҒИБОТ, ТАШВИҚОТДА ГАП КЎП

**Янгиланаётган Конституциямиз мазмун-моҳиятига бағишланган ташвиқотлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда. Шундай тадбирлардан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир тумани Даўитсай маҳалласида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Бахитбай Алдамуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, тарғибот гуруҳи аъзолари ва нуронийлар иштирок этди.**



Учрашувда сўзга чиққанлар Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва нормалар бўйича маълумотлар берди. Жумладан, янгиланаётган Асосий қонунимизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилаётгани, ижтимоий давлат ҳар бир фуқаро, айниқса, меҳр ва эътиборга муҳтож, эҳтиёжманд шахслар ҳақида ғамхўрлик қиладиган, ҳеч бир инсон ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирилмайдиган давлат ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Мазкур мазмундаги тадбирлар туманнинг Қўнғироткўл ва Белтаў овулларида ҳам кўтаринки руҳда давом этди.

***



**Хўжайли туманидаги 3-оилавий поликлиникадаги ташвиқот тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Мухтор Ибрагимов, тарғибот гуруҳи аъзолари, туман кенгаши депутатлари ва тиббиёт соҳаси вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда сўз олганлар янги таҳрирдаги Конституциямизда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши, умуман, лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт баробар кўпайгани, бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгалигига урғу беришди.

Айни мазмундаги тадбирлар Хўжайли туманидаги 49 ва 51-оилавий поликлиникаларда ҳам бўлиб ўтди.

**O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши**
**матбуот хизмати**

✓ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### БАХТИМИЗ АҲДИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Муродхон Жўраев ва O‘zLiDeP Яшнобод тумани кенгаши ташаббуси билан “Конституция меники, сеники, бизники! Конституция ўзимизники!” шиори остида ташвиқот тадбири ўтказилди.**

Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман кенгашлари депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар, эл севган санъаткорлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши**
**матбуот хизмати**







# Ишнинг кўзини билади булар

## ЁХУД “PROF GROUP” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН БИР ЛАВҲА

**Бир гапни айтсак, шубҳага бормаслигингиз тайин: бугун юртимиз чинакамига қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланди. Қаерга қараманг, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қад ростлаётганига гувоҳ бўласиз. Кўчалар таъмирланиб, аҳоли учун ичимлик суви келтирилиб, барча инфратузилма объектлари янгиланаётгани янада қувонарли. Қишлоқлар, маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгараётганини айтмайсизми.**



Шу кеча-кундузда йўлингиз тушиб, мамлакатимиз жануби – Сурхондарё вилоятига борсангиз, сўзларимиз муболаға эмаслигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, Шеробод туманининг Меҳробод маҳалласини олайлик. Бу ерда бунёдкорлик ишлари авжида. Маҳалладаги 602 ўринли 6-мактаб биноси бир муддат аввал анчайин абгор ва таъмирталаб аҳволда эди. Дастур доирасида маскан мукаммал таъмирланди ва фойдаланишга топширилиш арафасида.

Мактаб Президентимизнинг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 4 миллиард 359 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланди. Ушбу даргоҳда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси”нинг буюртмаси асосида тажрибали қурувчи Муродулло Абдуллаев бошчилигидаги “Prof group” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари жонбозлик кўрсатишди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ишнинг кўзини биладиган, ўз касбининг усталари жам бўлган ушбу аҳил жамоа тумандаги 8-мактабда ҳам давлат дастурига кўра бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Муассасанинг эшик ва дераза ромлари, синфхоналарининг поллари ҳамда иситиш тизими янгиланиб, бино тамомила янгича қиёфага келтирилди. Янгиланишлардан мактаб жамоаси, ўқувчилар ва ота-оналар ҳам мамнун.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**“XXI asr” мухбири**

***Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.***

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
27-aprel 2023-yil 17 (1015)

ХОТИРА – АБАДИЙ, ҚАДР – МУҚАДДАС

# “БАҒРИКЕНГ ЎЗБЕКНИНГ ЎЧМАС ИЙМОНИ”

## ёхуд онамнинг Қўқондан қўним топган польшалик қочқинлар ҳақидаги ҳикояси



**ЎЗБЕКЛАРНИНГ БАҒРИКЕНГЛИГИ, АЙНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ АВЖИГА ЧИҚҚАН, КЎПЛАР БИР БУРДА НОНГА ЗОР БЎЛГАН ОҒИР ДАМЛАРДА РОССИЯ, УКРАИНА, БЕЛАРУСДАН ОЛИБ КЕЛИНГАН ЕТИМ БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ОЛГАН МЕҲРИБОН ИНСОНЛАР ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНИДА ОНАМ БИРОЗ ЎЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ОРАГА ЖИМЛИК ЧЎКДИ. “МЕН СИЗЛАРГА БИР ВОҚЕАНИ АЙТИБ БЕРАМАН”, ДЕДИ БИРОЗ СУКУТДАН СЎНГ. КЎЗЛАРИГА ҚАЙҒУ АРАЛАШ МАМНУНЛИК ЧЎККАН ВОЛИДАМГА ТЕРМИЛГАНЧА ЎША МАҲЗУН ЎТМИШНИ ТИНГЛАЙ БОШЛАДИК.**

– Ўшанда 1939 йил эди. Сентябрь ойида немис фашистлари Польшага қуролли ҳужум қилади. Урушнинг дастлаб кунлариданоқ минг-минглаб поляклар ҳалок бўлади. Босқинчилар, айниқса, яҳудийларни аямай қирғинбарот қилади. Душмандан нажот топиш учун тинч аҳоли собиқ шўролар давлати чегарасидан ўтади. Инсонпарварлик юзасидан уларга ёрдам кўрсатилади. Мамлакат ичкарисига юборилади. Жумладан, бизнинг Қўқонга ҳам яҳудийларнинг катта гуруҳи олиб келинади. Ҳамшаҳарларимиз вокзалнинг ўзидаёқ поезддан тушган одамларни уй-уйларига олиб кетишади. Ҳеч ким уларнинг кимлигини, динини суриштирмайди.

Ўшанда мен ўн олти ёшда эдим. Биринчи Шарқ кўчасида яшардик. Отам уйимизга ўн икки нафар бегона қочоқни етаклаб келди. Улар орасида эркаклар, аёллар, мен тенги қизлар ва болалар ҳам бор эди. Кийимларига қараб, ичим ачиб кетди. Кўйлаклари йиртилган, пойабзаллари тўзиб кетганди. Эшик олдида тўхтаб, чўчинқираб қараб турган кишиларни отам ҳовли тўридаги сўри томон ундади. “Ҳозир ўтириб чой ичамиз, болаларим сизларга жой тайёрлайди. Кейин дам оласизлар. Энди ҳаммамиз бирга яшаймиз”, деди. Олдинда турган эркак йиғлаганча, “Раҳмат сизга, Худо хайрингизни берсин!” деди русчани бузиброқ гапириб.

Меҳмонларнинг қўлларига сув қуйилди. Сўрига дастурхон ёзилди. Боримизни тўкиб ташладик. Анчадан буён ош дамланмаган катта қозон остига ўт ёқилди. Дадамнинг ўзлари палов пиширишга тушди.

Буғи чиқиб турган ошни тановул қилаётган аёллардан бири отамга қараб деди:

– Бу… бу қандай таом?

– Палов. Биз ўзбеклар энг иззатли меҳмонларни ош билан сийлаймиз.

– Па-лов? Умримда бунчалик мазали таом емаганман.

Ёши катта меҳмонлар унинг гапини такрорлашди.

– Олинглар, ош бўлсин!

Уйимизда бошқача ҳаёт бошланди. Ҳамма қатори бизнинг яшашимиз ҳам осон эмас эди. Ўзимиз катта оила эдик, энди яна ўн икки жон қўшилди. Уларнинг оч қолмаслиги учун ҳам энди отам масъул эди. Эрта тонгда Ҳошимжон акам икковлари ижарага олинган арава билан шаҳар атрофидаги қишлоқларга чиқиб кетишарди. Кечгача ишлаб, деҳқонлардан мева, сабзавот, дон-дун сотиб олиб қайтишарди.

Келинойим икковимиз катта қозонда овқат пиширардик. Мен билан тенг поляк дугонам сабзи-пиёз арчишда, коса-товоқ ювишда қарашарди…

Ўрта мактабни битирганимдан сўнг дадам мени ўқиш учун Тошкентга олиб борди. Тиббиёт институтига кирдим. Поляк дугонам билан хат ёзишиб турардик. Ҳаётимиздаги янгиликларни бир-биримизга етказардик, ҳол-аҳвол сўрардик. Таътилда Қўқонга борганимда эса менга янгамдан кейин дугонам пешвоз чиқарди.

Орадан кўп ўтмай, фашистлар собиқ иттифоққа ҳам ҳужум бошлади. Ҳаёт янада оғирлашди. ТошМИдаги икки бино госпиталь учун ажратилди. Энди биз талабалар ўқиш билан бирга ярадорларга қараш билан ҳам шуғулланардик. Ҳа, ўғлим, дadaнг билан ҳам ўша ерда танишганмиз. 1945 йилнинг апрелида госпиталимизга Ҳаким Бекназаров деган офицер йигит олиб келинди. 1943 йил ноябрида дарё кечувида яраланган, немис самолётлари қайиқларга бомба ёғдирган экан. Аввалига Нежин шаҳридаги, сўнгра Тамбовдаги госпиталда даволашади. Лекин соғайиб кетавермагач, Тошкентга, бизнинг 1264 рақамли госпиталимизга олиб келишади. Уни айнан мен ярадорларга қараб турган палатага ётқизишди. Жарроҳлик амалиётларида ўзим ҳам қатнашдим. Хуллас, офицер йигит ҳаётга қайта бошлади. Мен унинг кўнгли учун суҳбатлашиб ўтирардим. Урушдан олдин ўқитувчи бўлганини, аслида ўратепалик эканлигини билиб олдим. Тожикистондан қариндошлари келиб туришарди. Улар ярим ҳазиллашиб, ярим чин, “Ҳаким, бахтингни Тошкентдан топибсан, сени мана шу шифокор қизимизга уйлантирамиз”, дейишганида мен қизарганимча палатадан чиқиб кетардим. Офицер 1946 йили буткул тузалиб кетди. Отанг билан тақдир ипимиз боғланган экан. Ниҳоят мени Ўратепага келин қилиб олиб кетишди…

Э, чалғиб кетдим, ўғлим. Қўқонга, ота уйимга боришим биланоқ польшалик қадрдон меҳмонларни, дугонамни суриштирдим. Уруш тугагач, улар ўз юртларига жўнаб кетибди. Келинойим менга бир даста хат узатди. “Бу дугонангизнинг сизга ёзган хатлари, билмадим, манзилингиз нотўғри ёзилганми, ҳаммаси қайтиб келди. У сиз билан хайрлаша олмагани учун ўкиниб-ўкиниб хайрлашди”, деди...

Орага яна жимлик чўкди.

– Ўзбекларнинг чинакам бағрикенглигидан яна бир мисол эмасми бу, ўғлим? Бир эмас, ўн икки нафар бегона одамни ҳамма ҳам уйига олиб келиб, йиллаб едириб-ичирмайди. Шуни ўйлаганимда кенгфеъл отажоним, Ҳошимжон акам, келинойимдан фахрланиб кетаман...

Бу суҳбатга ҳам анча йиллар бўлди. Аям Жаннатой Имомова 2012 йили, Қурбон ҳайити куни дунёдан ўтди. Ҳар гал Қўқонга борганимда Шайхун қабристонига бориб, онамнинг қадрдонлари қабрини зиёрат қилиб келаман. Сўнгра Биринчи Шарқ кўчасига ўтаман. Таниш, файзли ҳовли олдида дарвозага миннатдор тикилиб турган ўн икки киши пайдо бўлади кўз ўнгимда: чоллар, кампирлар, эркаклар, аёллар, қизлар, болалар…

Илоҳим, бугунги дориламон кунлар қадрига етайлик.



**Ғайрат ҲАКИМ**

***Хўжанд шаҳри. Тожикистон Республикаси***

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ



# ОНГ ЧИҚИНДИХОНА ЭМАС

## ёхуд китобхўр ва китобхоннинг бешта фарқи

**Ёш ёзувчи дўстларимдан бири: “Мен-ку ҳақиқий адабиёт яратарман, аммо уни ўқийдиган ҳақиқий китобхон топилармикин?” деб қолди. Буни ҳазиллашиб гапирди, албатта. Аммо кичик ҳазил тагида катта ҳақиқат яширингандек, шундай эмасми?..**

Кейинги йилларда китобхонликка эътибор катта. Бежиз эмас, китоб инсониятнинг бирламчи маънавий таянчи. Токи одамни уйғонишга, фикрлашга, ўзгаришга, дунёни ўзгартиришга ундаркан, илҳомлантираркан, қандай қиёфага ўтмасин, формати ўзгармасин – китоб ўз ўрнини бошқа ҳеч нарсага бўшатиб бермайди. Аммо гап бошқа масала – дид, китобхонлик ва ҳақиқий адабиёт ҳақида, бу сизни ҳам ўйга солиб қўйиши тайин.

Хуллас, китобхонликни тарғиб қилувчи телеграм гуруҳларидан бирининг “админ”и менга ёзиб қолди. Айтишича, ўзи ташкил қилган гуруҳда бирор асарни танлаб, кузатувчилар билан таҳлил қилишар экан, шунга каминани ҳам сафларига таклиф этди. Мен аввало эътибордан, кейин манфаатли таклифдан хурсанд бўлиб, гуруҳга қўшилдим. Маълум бўлишича, кузатувчилар билан маслаҳатлашиб, ҳар ой биттадан мутолаа учун китоб танланар экан. Танланган асар 25–28 кун ичида ўқиб чиқилиб, ойнинг сўнгги кунлари жамоавий тарзда муҳокама қилинаркан.

Гуруҳ қоидалари билан танишиб чиқдим. Китобхонлар жамоаси билан маслаҳатга киришарканмиз, камина ўқишга тавсия қилаётган адиблардан Достоевский “оғир” деб, Толстой “эзма” деб, Маркес “яҳудий” деб, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Луқмон Бўрихон каби ёзувчилар “ўзимизники” деб рад этилаётганига ёқа ушладим.

Шундай қилиб, баҳс жанжалга айланиб кетишига оз қолган “китобтанлар маросими”миз охир-оқибат сўнгги тўхтамга етиб келди. Америкалик адиблардан бирининг охирги пайтлар номига тез-тез кўзим тушаётган учар (бестселлер) асарини ўқийдиган бўлдик.

Рости, озгина бадгумонлигим бор. Кўпчилик мақтаётган, омма ўқиб-ўқимай шов-шув кўтарган асарларни мутолаа қилиб вақт сарфлашга у қадар ошиқавермайман. Ўқиш учун танлаган китобимизни уйимга олиб келаркан, бу гал ҳам шошмасдан, аввало, асарнинг аннотацияси, кейин муаллифнинг адабий фаолияти билан танишиб чиқдим. Азза-базза 30-40 бетча ўқидим ҳам... Дидимга ўтирмагач, ўқишни давом эттириш – вақтни бекор ўлдириш, деган ҳукм билан китобни бир четга улоқтирдим.

Шунга қарамай, муҳокамада бинойидай қатнашдим. Бошқа асарлардан олган хулосаларим, таассурот ва тушунчаларимни қўшиб-чатиб тақриз ёзганимга биров асарни ўқиб чиқмаганимни сезгани ҳам йўқ (эҳтимол, ўзимга ўхшаб китобни ўқимаганлар кўп бўлган бўлса керак). Ариққа ағанаб, сувдан қуруқ чиққан одамдай димоғимни чоғ қилиб тургандим, кейинги ой муҳокамаси учун боягидан беш баттар бошқа асар танландики, тағин биров устимдан сув қуйгандай бўлди-қолди...

Кейинроқ гуруҳ эгасига танланган асарни ўқий олмаслигимни ёзгандим, “Қоидага кўра ўқишингиз шарт”, деган жавоб келди. Унинг гапидан аччиғим чиққанди, ахир, нима, менинг миям темир сандиқми – қўлга илинган нарсани жойлаб юборавeрадиган? Ё чиқиндихонами – истаган киши истаган нарсасини келтириб тўкса?

Хайр-маъзурни насия қилиб гуруҳдан сўроқсиз чиқиб кетдим-у, эртага шу бир тийинга қиммат расво асарни ўқиб, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига иқтибослар қўядиган, расмлар жойлаб, куни келганда ҳижжалаб муҳокама қиладиган 200 дан ортиқ китобхон хаёлимдан кетмасди...

Замонамизнинг етакчи адибларидан бири Темирпўлат Тиллаев китоб ихлосмандларини уч тоифага ажратади. Биринчи тоифа – китобпарастлар, фақат китоб йиғади, ўқимайди. Иккинчиси – китобхўрлар, дид ва савия йўқ, қўлига тушган китобни ўқиб кетаверади. Учинчи, жуда озчиликни ташкил қилувчи тоифа эса КИТОБХОНлар – улар яхши китобларни излайди ва топиб ўқийди, ўқиганлари онгу шуурида муҳрланади.

Ёзувчи китобхонликнигина тоифаларга бўлгани йўқ – шу орқали урф, дид ва шуурга ҳам ойна тутади, жамиятимизнинг китобхонлиги қай йўсиндалигини тушунтиришга уринади. Дейлик, мактаб ўқувчиларининг нима ўқиётгани билан ҳеч қизиққанмисиз – болаларнинг кўпи дарсликларга киритилган “Оқ кема”ни, “Ҳелладос”ни, “Сариқ девни миниб”ни билмайди. Аммо бой бўлиш сирларидан сабоқ берадиган Киёсакини, Шармани танийди, ётволиб ўқиган.

Эски чет фильмларида зодагон хонадоннинг белгиси сифатида улкан китоб жавони кўрсатилади. Аммо унинг мавжудлигини ўзи етарли эмас, зодагон ўз кутубхонасидаги дурдона, айнан дурдона асарларнинг қарийб барчаси билан таниш бўлиши керак – йўқса, олийнасаб ҳисобланмайди. Худди шундай, биздаги зиёлининг белгиси рекламаю бекорчи тақризлар билан оммалаштирилаётган китобларни варақлаб тушган расмлар эмас. Назаримда, биз миямизнинг қувватини уйғониш, фикрлаш, ўзгариш, бизни ўраб турган дунёни ўзгартиришга ундайдиган, илҳомлантирадиган китобларга сарфлашимиз лозим.

**Байрам АЛИ,**
**ёзувчи**

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru
*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 445
**Адади: 10179**
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**